

**ОЛИЙ ХАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИДА
ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Исроил Собиров

Ўзбекистон миллий педагогика университети тадқиқотчиси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, мустақил, эркин фикрли ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни тарбиялашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ички вазиятлар орасидаги мураккабликлар ва зиддиятларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Мазкур вазиятнинг ўзига хос жиҳати таълим-тарбия сифатини таъминлаш соҳасидаги ҳаракатлар ижтимоий турмушдаги ўзгаришларни ҳисобга олгандагина самарали бўлади. Шу билан бир қаторда олий ҳарбий таълим муассасалари тизимидаги тарбиявий ишлар мазмунини қайта кўриб чиқиш бу соҳадаги олиб борилаётган ишларнинг сифатини таъминлашнинг муҳим шартидир. Бугунги кунга келиб, олий ҳарбий таълим муассасаларида тарбиянинг янги технологиялари ва услубларини ишлаб чиқиш соҳасида изланишлар амалга оширилмоқда. Мазкур технологияларни ишлаб чиқишда изчиллик, яхлитлик ва умумийлик ғоясига асосланildi. Ушбу технологияларни яратишда бир томондан ўтмишда мавжуд бўлган ижобий тажрибалар, иккинчи томондан эса янги усул ва ёндашувларни ҳисобга олиш талаб этилади. Бу эса олий ҳарбий таълим муассасалари тизимида амалга ошириладиган тарбиявий жараёнларнинг пойдеворини ташкил этади. Унинг асосини ҳар бир таълим олувчининг бетакрорлиги, кадр-қиммати ва талантини ифодаловчи ёндашувлар ифодалайди. Бундай технологияларнинг асосини олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар билан унга таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг қадриятли-фикрий тенглигини эътироф этиш ғояси ташкил қилади. Бугунги кунда олий ҳарбий таълим муассасаларининг тарбиявий тизими яхлит тарзда ташкил этилмоқда ва яратилмоқда. Бу эса истиқболда таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришнинг муҳим стратегик тармоғи сифатида хизмат қила олади. Шунинг учун ҳам фуқаролик позициясини ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда олий ҳарбий таълим муассасаларида тарбиянинг турли моделларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Шу билан бир қаторда турли моделлар ёрдамида курсантларнинг ижодий қувватлари кенгайтирилади ва ривожлантирилади. Микросоциумдаги бошқа ёшлардан фарқли тарзда курсантлар ўзига хос ижтимоий-маданий даражалари билан ажралиб турадилар. Чунки ёшлар жамиятнинг кўпроқ даражада фаол ҳаракат қилувчи ва меҳнатсевар аъзоларидирлар. Курсантлар жамиятнинг куч-қувватга тўлган, ақлий жиҳатдан ривожланган аъзолари бўлиб, уйғунлашиш жараёнини тезлаштирадилар. Шунинг учун ҳам улар жамиятнинг яхлитлигига интилиб яшайдилар. Шу билан бир қаторда курсантлар ўзларининг

турли-туман манфаатларини илгари сурувчи, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишга интилувчи ёшлардирлар.

Бугунги кунда олий харбий таълим муассасаларида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг мақсади эркин, демократик жамият қуришга ўз куч-қудратини сафарбар эта оладиган, фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам тарбиянинг муҳим вазифаси сифатида фаол, фуқаролик позициясига эга бўлган мутахассисни тарбиялашга эътибор қаратилиши лозим. Курсантлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш лаёқатига эга, ўз ҳаракатлари учун масъулиятни зиммаларига оладиган фуқаролар сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга тайёр бўлишлари зарур. Чунки мустақил Ўзбекистон давлатининг муҳим вазифаларидан бири эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Шубҳасиз, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда курсант ва ёшлар муҳим ўрин эгаллайдилар. Тарбия жараёни курсантларнинг онги ва касбий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим воситасидир. Мазкур касбий фаолият курсантларга келажакда фаолият кўрсатиш имкониятини яратиб, ўз билим, кўникмаларини янги вазиятларга кўчирган ҳолда уларни шахсий-фуқаролик позицияси асосида ишлаб чиқилган янги билим ва кўникмалар билан алмаштириш имкониятига эга бўладилар. Чунки мазкур билим, кўникма ва малакалар тизимида фуқаролик позицияси таянч асос бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик позицияси фуқаролик ва ижтимоий фаоллик тушунчалари билан уйғунликда ойдинлашиши мумкин. Фуқароликнинг мавжуд жиҳати инсонни давлатнинг умумий ишларига алоқадорлиги билан изоҳланади. Чунки, шахс муайян ишончга эга бўлгандагина давлат ва жамиятнинг умумий ишларига ўз ҳиссасини қўша олади. Шунинг учун ҳам ижтимоий фаоллик инсоннинг фаол ҳаракатидир. Мазкур фаолият жамиятнинг моддий-маънавий бойликларини қайта қуриш ва кўпайтиришга йўналтирилганлиги билан ижтимоий қимматга эга бўлади. Шу тариқа фуқаролик позицияси инсоннинг жамият ҳаётига онгли тарзда иштирок этишдир. Бу фаолият шахсий ҳамда ижтимоий жиҳатдан инсоннинг онгли аниқ ҳаракатлари ва жамият ҳаётидаги иштирокини ифодалайди. Ушбу ҳаракат инсоннинг умуминсоний қадриятлар билан шахсий ҳамда ижтимоий манфаатлар йўлида онгли муносабатда бўлишга қаратилгандир. Олий харбий таълим муассасалари курсантларида фуқаролик позициясини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар тизимининг асосий негизини қуйидагилар ташкил этади. Улар: фуқаролик, фуқаролик позицияси, фуқаролик масъулияти, ижтимоий фаоллик кабилар. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғатда “Фуқаролик - шахснинг муайян давлат қарамоғида бўлиши, шу давлатга, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги”, Ўзбекистон миллий энцикло-педиясида эса – “Фуқаролик шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси; бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади”, - дея

таърифланган. Фуқаролик масъулияти эса изоҳли илмий-оммабоп луғатида - жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва муваффақиятларига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши тарзида изоҳ берилган. Фуқаролик позицияси – бу шахснинг ўзини-ўзи англаш орқали фуқаро сифатида жамиятда тутган ўрнини муносиб баҳолай олиши ва унинг ҳаётида фаол иштирок этишидир. Шахсда фуқаролик позициясини ривожлантириш бевосита фуқаролик тарбияси доирасида амалга оширилади. Ижтимоий фаоллик шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва хулқ-атворини онгли равишда бошқаришининг асосий шарти ҳисобланади. Фуқаролик тарбиясининг асосида қуйидаги қадриятлар ўз ифодасини топади. Улар: инсон, ахлоқийлик, эркинлик, тенглик ва демократия, маданият, инсонийлик ва бағрикенглик кабилар. Фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг асосий категорияларини англаш ва илмий жиҳатдан изоҳлашга мустақиллик йилларида алоҳида эътибор қаратилди. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ҳаракатлари негизида намоён бўла бошлади. Ўз навбатида давлатимиз фуқаролари ҳам аста-секин ўз ҳақ-ҳуқуқларини англай бошладилар ҳамда уларда ҳуқуқ ва эркинликлардан кундалик ҳаётда фойдаланиш кўникмаси ҳам шаклланиб бормоқда. Шунингдек, уларда ўзларининг жамиятда фуқаро сифатидаги ўз ўринларини идрок этиш жараёни жадаллашди.

Шахс ўзини ўзгартириши учун, биринчи навбатда, ўз-ўзини яхши билиши лозим. Ҳар бир инсон ўзининг шахсий қизиқишлари, эҳтиёжлари, интилишлари, индивидуал ўқув ишлари характеридан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини ташкил этади. Шу асосда шахснинг фуқаролик нуқтаи назари таркиб топади. Шахсга йўналтирилган ёндашув доирасида курсантлар ўз ўқув фаолиятларини эҳтиёжларига жавоб бериши ёки бермаслиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Уларда ички баҳолаш кўникмалари ўз-ўзлари ёки истиқболдаги ҳаётий фаолиятлари билан келишган ҳолда ҳосил бўлади. Бу эса ўқув ҳаракатларининг асосини ташкил этади. Курсантлар нуқтаи назаридаги бундай ўзгариш ўзларининг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини англашларига кўмаклашади. Шу аснода курсантлар ўз ҳошиш-истаклари, мақсадларини тушуниб етадилар ва унга эришиш воситаларини излайдилар. Инсоннинг шахсий-касбий ривожланиши ўта мураккаб, узок, узлуксиз давом этадиган жараён ҳисобланади. Бу жараённинг энг тифиз вақти курсантлик даврига тўғри келади. Мазкур жараёндаги педагогик-психологик ёрдам узлуксиз ҳаратерга эга бўлиши лозим. У ўзида касбий йўналтириш ва касбий мослаштириш босқичларини мужассамлаштириши зарур. Шу асосга таянган ҳолда замонавий олий таълимнинг қуйидаги принципларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- касбий педагогик таълим жараёнини лойиҳалашнинг тизимли ташкил этувчи омили сифатида курсантлар шахсини ривожлантириш;

- касбий педагогик таълимнинг мақсади шахс сифатида ўз мавқеини аниқлаш, мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқара олиш ҳамда ўз фаолиятини ижтимоий-иқтисодий жихатдан долзарблаштириш лаёқатига эга бўлган касбий фаол мутахассисни ривожлантириш;

- курсантларнинг шахсий психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим мазмуни ва жараёнини индивидуаллаштириш;

- принцип сифатида олий таълимнинг яхлитлиги, унинг барча таркибий қисмлари орасидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

- назария ва амалиёт орасидаги алоқадорликни таъминлаш асосида олий таълим мазмунининг амалий йўналганлигига эришиш кабилар.

Олий харбий таълим муассасалари таълим тизимида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш муаммоси кўп қиррали бўлиб, бу соҳада мутахассислар томонидан турлича ёндашувлар ва нуқтаи назарлар илгари сурилмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишлари мазкур ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини яхши билишларини талаб этмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишлари, бу жараёни мақсади, вазифаларини яхши тушунишлари учун шахсга йўналтирилган технологияларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришлари лозим. Курсант шахсига йўналтирилган педагогик фаолиятни тўғри ташкил этиш учун бир қатор мезонларга таяниш талаб этилади. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ёрдамида олий харбий таълим муассасалари курсантларида фуқаролик позициясини таркиб топтириш жараёни амалга оширилади. Бугунги кунда олий таълим тизими олдида янгича касбий сифатларга эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш вазифаси қўйилди. Чунки ўқитувчи ҳар бир ўқувчига алоҳида шахс сифатида ёндаша олиши керак. Шу мақсадда у ҳар бир ўқувчининг имкониятларини аниқ ҳисобга олиш ва ривожлантириш тажрибасини эгаллаши лозим. Маълумки, шахсга йўналтирилган таълим жараёнида таълим олувчиларга инсоний муносабатда бўлиш устувор ўрин эгаллайди. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар ҳам, курсантлар ҳам фаол фуқарорлик позициясига эга бўлишлари керак.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида профессор-ўқитувчилар ва курсантлар ўзаро тенглик принципига амал қилишлари керак. Таълим жараёни субъектлари орасидаги ўзаро тенглик ғояси дастлаб И.А.Колесникова томонидан илгари сурилган. Бу тенглик профессор-ўқитувчилар билан талабалар орасидаги субъект-субъект муносабатларига асос бўлади. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида курсант шахси устувор ўрин эгаллайди.

Маънавият - асосий тушунчалар изоҳли луғатида шахсга қуйидагича таъриф берилади: “Шахс – ижтимоий-маънавий, ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган одамни англатувчи тушунча. Бу тушунча барча ижтимоий –

гуманитар фанларда ўз предмети нуқтаи назаридан қўлланади, шу асосда хилма-хил талқин этилади. Шахс биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, эстетик фазилят ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланишини ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинишидир”. Шахснинг шаклланиши қуйидаги омиллар билан боғлиқ: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) маданий муҳит; 4) ижтимоий тажриба; 5) жамият аъзолари билан муносабат .

Шахс, биринчи навбатда, ўзининг маънавий қиёфасига эга бўлиши лозим. Шахс жамият тараққиётида ижобий ўрин эгаллаши учун, биринчи навбатда, фуқаролик позициясига эга бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам бир шахс ижтимоий умумийликка интилиши ва жамият ҳаётига киришиши лозим. У таълим жараёнининг субъекти сифатида физиоло-гигеник, психологик, педагогик, ижтимоий ўзига хосликлари билан намоён бўлади. Курсантларнинг ўқув-билув фаолиятига профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилади. Таълим жараёнида улар орасида субъект-субъект даражасидаги муносабат, ўзаро ишчан мулоқотга асосланган ҳамкорлик ўрнатилади. Курсантлар ўқув жараёнида кишилиқ жамиятининг асрлар давомида эришган тарихий тажрибасини ўрганиш асосида муайян давлатнинг фуқароси эканлигини англаб етади. Шахс муайян жамиятда яшар экан, унинг ҳаёти шу жамият аъзоларининг ғоявий қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари билан боғлиқ бўлади. Шахс тушунчаси ҳар қандай педагогик жараённинг асосий ўлчови ва педагогик тизимнинг қурилишини белгиловчи омидир. Шахс тушунчаси инстенционал ҳодиса сифатида инсоннинг ижтимоий мавжудлиги ва ҳаётий жараёнини ифодалайди. Шунинг учун ҳам курсантлар шахснинг ривожланишини таъминловчи ўқув-билув майдонини ташкил эта олиш тажрибасини эгаллашлари керак. Бугунги кунга қадар курсантларни ўз касбларининг мазмун-моҳиятини излаш, ўз касбий фаолиятини таҳлил қилиш, уларда фуқаролик позициясини эгаллашга ундаш мутахассислар эътиборидан четда ёки илмий ёндашувлар доирасида қолиб келмоқда. Бугунги кун ўқитувчиси энг янги педагогик ғоялар, ҳуқуқий, ахлоқий меъёрларнинг тарғиботчиси сифатида намоён бўлиши лозим. Чунки, шахсга йўналтирилган таълим парадигмасига ўтиш курсантларнинг мустақил, индивидуал фикрий тараққиёти ва нуқтаи назарларини бойитишни талаб қилади. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш профессор-ўқитувчилардан юксак касбий маҳорат ва фуқаролик позициясига эга бўлишни талаб қилади. Улар шахс психологияси, жамиятшуносликка оид ҳамда ҳуқуқий билимларни яхши билишлари, янги технологиялар, ҳаётий тажрибаларни чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Профессор-ўқитувчилар курсантлар билан уларнинг шахсий фикрлаш доирасини ҳисобга олган ҳолда мулоқот ва ҳамкорлик ўрната олишлари керак. И.А.Колесникова таъкидлаганидек, бўлажак ўқитувчилар ўз фаолиятини ўқувчиларни тарбиялаш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ташкил этишга эътибор бермайдилар. Улар ўқув

предмети доирасида инсонпарварликка асосланган таълим-тарбия беришга интилишлари керак.

Аксарият профессор-ўқитувчилар ўзларининг педагогик вазифалари курсантларда касбий билим, кўникма, малакаларни ривожлантиришдан иборат эканлигини таъкидлайдилар. Шахсга йўналтирилган таълим парадигмасида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти мазмуни ҳам тубдан ўзгаради. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида профессор-ўқитувчилар курсантларга субъект, ҳамкор сифатида ёндашган ҳолда уларнинг касбий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий билимларни эгаллаш жараёнларини ташкил эта олишлари керак. Профессор-ўқитувчилар томонидан курсантларга тақдим қилинган касбий, ижтимоий-маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий билимлар ва ижтимоий тажрибалар уларнинг ўзлаштиришлари учун қулай ва долзарб бўлиши лозим. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар ҳамда курсантлар орасида ўзаро тенгликка асосланган онгли, дўстона, қадриятли муносабатлар амал қилиш керак. Улар орасида фикрий изланиш ва ижодий-эвристик фаолиятнинг мураккаб, шу билан бир қаторда, педагогик жихатдан қулай йўли татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, педагогларнинг касбий тафаккури таълим олувчиларга кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш, қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш, тушунишга асосланган бўлиши талаб этилмоқда. Курсантларда фуқаролик позициясини ривожлантириш уларнинг мазкур жамиятнинг аъзолари сифатида намоён бўлишлари, мамлакат ҳаётида кечаётган тарихий жараёнларни англаб етишлари, ўз шахсий ҳаётларини моделлаштира олишларига кўмаклашишдан иборат. Шахсга йўналтирилган таълим жараёни тўла маънода курсантларда фуқаролик позицияси ва миллий маданиятни ривожлантириш имконини бериши керак. Бу жараёнда курсантларнинг маданий, интеллектуал, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик жисмоний тараққиётлари таъминланиши лозим. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга оид педагогик фаолияти ҳуқуқий фанларни ўқитиш жараёнида алоҳида аҳамиятга эга. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этувчи профессор-ўқитувчиларнинг ўзлари, биринчи навбатда, ҳуқуқий билимлар билан тўлиқ қуролланган бўлишлари керак. Шундагина шахсга йўналтирилган таълим жараёнида курсантларнинг касбий-шахсий такомиллашишлари учун қулай имконият яратилади. Натижада курсантларнинг касбий маҳоратлари, тажрибалари, ҳуқуқий билимдонлик даражалари ортади. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш маҳоратини эгаллашда курсантларнинг касбий ривожланиши, етуқлик сифатларини ўзлаштириши муҳим аҳамиятга эга. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратлари шахсга йўналтирилган таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этиш имконини беради. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишдан кўзланадиган асосий мақсад курсантларни маънавий-касбий жихатдан ривожлантиришдан иборат. Профессор-ўқитувчилар курсантлар билан шахсга

йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни олдига қўйилган умумий мақсадга эришиш учун ҳамкорликда ҳаракат қилишлари керак. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларда ижодкорлик, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, масъулиятлилик, толерантлик, қизиқувчанлик, эмпатия каби сифатлар барқарорлашган бўлиши лозим. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш учун профессор-ўқитувчилар янгича педагогик тафаккурни эгаллаган бўлишлари лозим. Бу куйидагиларда ўз ифодасини топади:

- шахсга йўналтирилган таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг эътибори курсантларда касбий компетенциялар ва фуқаролик позициясини ривожлантиришга қаратилиши;

- профессор-ўқитувчилар курсантларни педагогик жараённинг тенг ҳуқуқли субъектлари сифатида англаган ҳолда улар билан самарали ҳамкорлик ўрната олишлари;

- курсантлар ижтимоий-педагогик воқеликни чуқур ҳис эта олишлари ва шу воқелик ичида самарали фаолият кўрсата олишлари;

- курсантлар профессор-ўқитувчилар ва аτροφдагилар билан ўзаро ишчан мулоқотга тайёр бўлишлари;

- курсантлар истикболдаги касбий фаолиятлари учун зарур бўлган турли педагогик вазиятларда вужудга келадиган қийинчиликлар ва уларни ечиш йўлларини башорат қила олишлари;

- курсантлар мавжуд эмпирик тажрибаларни ўрганишлари, уларни таҳлил қила олишлари ва ўз фаолиятларида қўллаш кўникмасига эга бўлишлари кабилар.

Профессор-ўқитувчилар ҳар бир курсантга алоҳида-алоҳида ёндашишлари ва уларда фуқаролик позициясининг ривожланиши, бунинг учун ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашишлари зарур. Профессор-ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этишлари учун янги ҳамда муқобил педагогик қарашларни мунтазам ўзлаштиришлари, ўз фаолиятларида илғор педагогик технологияларни қўллашлари талаб этилади. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда педагогнинг ижодкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки профессор-ўқитувчиларнинг ижодий фаолият кўрсатишлари натижасида улар курсантлар билан руҳий жиҳатдан яқинлашадилар. Бу эса курсантларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда фуқаролик позициясини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида профессор-ўқитувчилар билан курсантлар орасида вужудга келадиган зиддиятлар осонгина бартараф этилади.

Шахсга йўналтирилган олий педагогик таълим жараёни куйидаги хусусиятларга эга:

- мустақиллик;
- ривожлантирувчилик;
- ўз-ўзини намоён қилиш имкониятининг кенглиги;

- талабани ижодкорликка ундаш;
- фуқаро сифатида шакллантирувчилик;
- касбий фаолиятга йўналтирувчилик;
- фикрий ижодий фаолият кўрсатишга ундовчилик;
- таъсирчанлик;
- танкидий фикрлаш;
- ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишга йўналтирувчилик;
- далилларни асослаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қила

олиши кабилар.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда профессор-ўқитувчилар ўз қарашлари, нуқтаи назари, касбий маҳоратини намоён этадилар. Бунда уларнинг касбий билимдонликлари, лаёқатлиликлари, фуқаролик позициясига, педагог сифатида обрў-эътиборга эгаликлари катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Курсантларда фуқаролик позициясини самарали ривожлантириш учун профессор-ўқитувчилар катта ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлишлари керак. Бунинг учун улар ўзларининг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий, касбий, маънавий-ахлоқий соҳадаги билимлари ва ҳаётий тажрибаларини мунтазам оширишлари талаб этилади. Курсантлар ўзлари эгаллаган касбий сифатлари, ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий билимларини турли педагогик тадбирлар жараёнида намоён қила олишлари, ўз фаолиятларини текшириб, таҳлил қилиб боришлари, хатоларини тан олиб тузатишлари, педагогик амалиёт даврида эса катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ўқитувчиларнинг тажрибаларини ижодий ўзлаштиришлари, мавжуд тажрибаларни оммалаштиришлари зарур. Профессор-ўқитувчилар шахсга йўналтирилган таълим жараёнини муваффақиятли ташкил этишлари учун, биринчи навбатда, таълим олдида турган ижтимоий буюртма, таълимнинг умумий ва хусусий мақсадлари, фан-техника ютуқлари, жамият эҳтиёжлари, шахс тараққиёти қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Бунинг учун уларда сиёсий, ҳуқуқий билимдонлик, фидойилик, юқори даражадаги педагогик майл, инсонпарварлик, жамоавий фикрни ҳурмат қилиш каби сифатлар ривожланган бўлиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган): - Халқ сўзи г. 1997. 29 август.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Т.: “Адолат”, 2010 й.- 276 б.
3. Азизходжаева Н.Н. Национальные особенности развития высшего педагогического образования в Узбекистане. – Т.: Фан, 1990. – 85 с.

4.

лексеев С.С. Гражданином быть обязан: Основы правовых знаний для юношества. Свердловск: Сред.-Урал. кн. ид-во. 1985. - 174 с.

5. Бондаревская Е.В. Гуманитарная парадигма личностно ориентированного образования // Педагогика. – 1997. - № 4. – С.11-14.

6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции –новая парадигма результата образования // И.А.Зимняя. Высшее образование сегодня. - 2003. - № 5. –С. 34–39.

7. Исламов З.М. Общество, государство и право. - Т.:Адолат.1997.-24 с.

8. Каримова О., Гаффаров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари / Пед.олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар ва ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 1995. – 607 б.

9. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Национальная модель и программа по подготовке кадров – достижение и результат независимости Узбекистана. – Т.: Маърифат-Мадакдор, 2001. – 655 с.

10. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. – 103 с.

11. Лутовинов В.И. Гражданско-патриотическое воспитание сегодня / В.И.Лутовинов //Педагогика. - 2006. - № 5. - С. 52-59.

12. Следзевский И. В. Гражданско-патриотическое воспитание детей и молодежи: проблемы и стратегия /И. В. Следзевский // Преподавание истории и обществознания в школе. - 2007. - № 7. - С. 9 - 15.

13. Таджиханов У. Закон, человек, государство. - Т.: Академия МВД. 1987. – 141 с.

14. Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 жилдлик. Ёжилд. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 1998. – 246 б.

15. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари.- Т.: Ўқитувчи, 1996.- 187 б

16.Ҳуқуқий етуклик – баркамолликка элтади. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2011. – 134 б.